

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 179 (10.988)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЎЗ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИБ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭХТИЁЖИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАЁГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «ЧЕВАР» ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.**



Фармон ва ижро



### КАСАНАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг турлари ортиб, улар ички бозорда харидорларга манзур бўлмоқда. Моҳир чеварлар меҳнати билан тикилаётган эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари бугунги кун талабига тўла жавоб беради. Бойси эса корхона цехларига замонавий технологиялар ўрнатилганлиги, маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидир. Шунинг баробарида дизайнер-модельерларнинг харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда янги моделлар яратиш устида тинмай изланаётгани ҳам самарасини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона тadbirkorлари Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Ириқ санаот корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишиб, 90 нафардан зиёд хотин-қизларга ана шу асосда ўз хонадонларида меҳнат қилиш шaroитларини яратиб берди.

Бу, албатта, корхона яқинидаги маҳаллада яшовчи уй бекаларига ниҳоятда қўл келиб, улар ҳам меҳнат фаолиятларига эга бўлишди, ҳам оила аъзоларидан бохабар бўлишди, хонадонлари фаровонлигига ҳисса қўшишди, оила бюджетини мустаҳкамлайдилар.

Келгусида эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотларнинг янада рақобатбардош турларини кўпайтиришга аҳд қилган корхона меҳнат ахли касаначилик асосида кўплаб иш ўринлари яратишни режалаш туришибди. Бунинг учун эса

яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, изланишларини ҳам давом эттиришмоқда. Асосий мақсад ички бозорда муносиб ўринга эга бўлиш баробарида илғорликини кўздан бермаслик, буржувачилар ишончини оқлашдир.

**Муҳаммадрасул АГЗАМОВ СУРАТЛАРДА:** Нигора Тўлаганова моҳир чеварлардан саналади; илгор чеварларнинг диққат-эътибори маҳсулот сифатига қаратилган.

Козим Ўлмасов олган суратлар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги бичиш-тикиш мактаби ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Аёл гўзаллиги дунёни кутқарар» деб номланди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролига бағишлаб сиёсий партиялар вакиллари,

фаол ёшлар иштирокида ўтказилган анжуман Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Адвокатлар ассоциацияси ташаббуси билан шахримизда фаолият юритаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, адвокатлар иштирокида ўтказилган семинарда суд-ҳуқуқ тизими ислохотларини тақомиллаштиришда адвокатлар хизматининг аҳамияти борасида сўз борди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** гўза селекцияси ва уруғчилик илмий текшириш институтида селекция фани янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда селекционер олимлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** тиббиёт академиясида талабалikka қабул қилинган ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Кичик Хирмонтепа» маҳалласида маҳалла

фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбирда мамлакатимизнинг 16 йиллик тараққиёт йўли, Истиклолнинг энг улуғ, энг азиз незмат эканлиги, маҳалла фуқаролар йиғинининг келгуси режалари хусусида ўзаро фикр алмашилди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган тадбир жамият тараққиёти ривожига хотин-қизлар фаоллигини ошириш масаласига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

#### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ ЗУЛФИЯНИНГ ҲАЙКАЛИНИ ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфия (Зулфия Исроилова)нинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини, унинг бетакрор ижодий мероси ва ибратли ижтимоий фаолиятининг ёш авлодни Ванганга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ванганимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфия хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Бадий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда Зулфия ҳайкалини яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 13 сентябрь

### СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Қўмита раиси Ботир Парпиев давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ва тўб ислохотлар самараси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўртача ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани бунинг исботидир.

Солиқ юкини камайтириш борасида ҳам изчил сиёсат олиб борилмоқда. 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тарихда кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки

40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди.

Кейинги йилларда солиқ тўловчилар сони 2,5 баробар, давлат хазинасига келиб тушаётган тушум эса беш баравар ўсди. Бу жараёнда тadbirkorликнинг ривожини ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Савдо соҳасида 2004 йилда 82,3 миллиард сўм тушум қайд этилган бўлса, жорий йил бошидан август ойига қадар бўлган кўрсаткич 457 миллиард сўмни ташкил этди.

Бюджетга тушумларнинг ўз вақтида тушушида солиқ идоралари ходимлари томонидан амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар, тўлов интизомини мустаҳкамлаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилаётир.

Йиғилишда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш, бажарилиши лозим бўлган галдаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида «Ўзини ўзи бошқариш органларининг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида тугган ўрни» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

● Бухоро шаҳрида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон: демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қурилишида эришилган асосий ютуқлар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоятида жорий йилда 7200 дан ортиқ фермер хўжалиги 123 минг гектар майдонда гўза парваришлаб мўл ҳосил етиштиришди. Бу йил воҳа деҳқонлари 345 минг тонна пахта хирмони бунёд этишни мўлжаллашмоқда.

● Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилояти аxbорот-ресурс марказида «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди» нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Соғлом она—соғлом бола» мавзуида ўтказилган кўрик-танловда шаҳар ва туманлардан ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, қишлоқ врачлик пунктларининг ҳамширалари иштирок этишди.

● Нуробод туманидаги Жарқудуқ қишлоғида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Олти йўналишда касб-хунар ўргатиладиган ушбу замонавий масканда 360 ўқувчи билим олади.

● Андижон шаҳрининг Янгибозор қисмида «Холси» савдо маркази қуриб битказилди. Савдо марказида 600 нафар ишчи миждозларга хизмат кўрсатади.

● Зарафшон шаҳрида «Микрокредитбанк»нинг янги бўлими ўз фаолиятини бошлади.

● «Навоийазот» корхонасида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Покистон, Афғонистон, Эрон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Тожикистон ва Туркменистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

● Бухорода «Нақшбандия таълимоти ва замонамиз» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда олим ва тадқиқотчилар Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний ва Нақшбандия таълимотига оид қатор мавзуларда қизиқarli маърузалар қилишди.

● Маннон Уйғур номдаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

● Индонезияда кеча 24 соат давомида 4 мартаба Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллдан 8,4 баллгача зилзила рўй берди. Табиий офат туфайли олти нафар киши ҳалок бўлди, 38 киши турли даражада жароҳат олди.

● Буюк Британиянинг Суррей графлигида уй шароитида боқилаётган қорамоллардан яна оқсил аломатлари аниқланди. Касаллик тарқалган ҳудудда вақтинчалик карантин эълон қилинди. Шу муносабат билан мамлакат бош вазири Гордон Браун фавқулодда йиғилиш ўтказди.

● Чоршанба кuni истеъфога чиққан Япония бош вазири Синдзо Абэ соғлиги ёмонлашгани сабабли Кайо университети қошидаги шифохонага ётқизилди. Шифокорлар уни тиббий кўриқдан ўтказгач, собиқ бош вазирнинг соғлиги вақтида оқватланмаслик ва кучли толиқ туфайли ёмонлашганини айтишди.

● Россия Президенти Владимир Путин истеъфога чиққан Бош вазир Михаил Фрадков ўрнига Россия Молия мониторинги федерал хизмати раҳбари Виктор Зубков номзодини кўрсатди. Унинг номзодини энди дума тасдиқлаши керак.

● Хитойнинг учта компанияси бир пайтнинг ўзида ўзларининг капитализация ҳажми жаҳатидан дунёдаги ўнта йирик корпорациялар рўйхатидан ўрин олди. Хитойнинг «СВС» банки капитализацияси 300 миллиард долларни ташкил этиб, дунё банклари орасида энг йирик компанияга айланди.

● Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳридаги катта трассаларнинг бирида йўлда ҳаракатланиб келаётган йўловчи автобуси мина самолёт билан тўқнашиб кетган. Маълум бўлишича, шаҳар четидан ҳавога кўтарилган самолёт бошқарувчиси манзилдан адашиб кетган. Автобус ҳайдовчиси воқеа жойида, самолёт бошқарувчиси эса шифохонада вафот этган.

● АҚШ Президентлигига Асосий номзодларидан бири Барак Обама агар сайловларда ғолиб келса, Ироқдан Америка аскарларини олиб чиқиб кетади. Буш маъмуриятининг Ироқдаги сиёсатиға норозилик билдирар экан, Обама Ироқдан АҚШ кучларини 2008 йил охирига қадар олиб чиқиш кераклигини айтиб ўтди. Хабарларга кўра, Барак Обаманинг америкаликлар орасидаги рейтингини ҳозирча энг юқори ўринда турибди.

● Германия дўконларида тамомила янгича тўлов шакли жорий этилди. Эндиликда немис харидорлари ҳар қандай тўловни биргина бармоқ изи ёрдамида амалга оширишлари мумкин. Фақат бармоқ излари банк рўйхатидан ўтган бўлиши лозим.

### КЎРГАЗМАГА ШАЙ

**ТОШКЕНТДА 17-19 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ III ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ВА IV ХАЛҚАРО ПАХТА ВА ТЎҚИМАЧИЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР НУФУЗЛИ ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШРИФ БУЮРАДИГАН ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР ЯНГИЙЎЛ ПАХТА ТОЗЛАШ КОРХОНАСИНИ ҲАМ БОРИБ КЎРАДИ.**

Истиклол йиллари қуриб фойдаланишга топширилган мазкур корхона жаҳон бо-

зорида юқори талабга эга пахта толаси ишлаб чиқарадиган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Утган йили бу ерда 23,3 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланди. Маҳсулотларининг юқори сифат кўрсаткичи 95 фоизни ташкил этди. Буни янада ошириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республика пахта тозалаш корхоналари орасида етакчи ўринда турувчи мазкур корхона 35 минг тоннагача пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Корхонага ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонлар пахтани қайта ишлаш жараёни ва тола сифатини

янада ошириш борасидаги ишлар билан яқиндан танишади.

Пойтахт вилоятида етиштирилган пахта толасининг асосий истеъмолчилари Хитой, Хиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Италия, Малайзия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлардир. Утган йиллари етиштирилган пахта ҳосилининг салмокли қисми ана шу давлатларга сотилди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасидан маълум қилишларича, тизимда фаолият юритаётган пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларининг барчаси жорий йилдаги ҳосилни қабул қилишга шай ҳолатга келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камасининг шу йил 3 апрелда қабул қилинган «2007-2011 йилларда пахта тозалаш сананоати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли, Навоий вилоятининг Хатирчи, Тошкент вилоятининг Бука туманларида жойлашган пахта тозалаш корхоналари реконструкция қилинди.

Бухоро вилоятининг Пешку, Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод, Хоразм вилоятининг Янгиарқ туманларидаги пахта тозалаш заводларида олиб борилган модернизациялаш ишлари якунига етди.

Ҳолмурод САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири











